



ИШОНЧ

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2003 йил 4 март, сешанба № 35 (1460)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАҒБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

ФЕРМЕРЛИК РИВОЖИ - ТАРАҚҚИЁТ ОМИЛИ

Хабар қилинганидек, 28 феврал куни Оксаройда қишлоқ хўжалиги соҳасида иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштириш ва жадаллаштиришнинг асосий йўналишларига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.

Уни Президент Ислам Каримов бошқарди.

Давлатимиз раҳбари яқинда Вазирлар Маҳкамасида 2002 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва жорий йилда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг асосий йўналишларига бағишланган мажлисда ушбу масалани атрофлича таҳлил қилди, соҳада мавжуд камчиликларни бартараф этиш юзасидан амалий тавсия ва хулосалар берди, вазифалар қўйди.

Бу хулосалар, ўз навбатида, аграр соҳада бозор муносабатларини чуқур жорий этиш, бозор хусусиятига эга бўлган ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчилари фаолиятининг эркинлигини

чекламайдиган принципал жиҳатдан янги баҳолаш мезонларига ўтиш, қишлоқ хўжалигини бошқариш тизимини тубдан қайта қўриб чиқишни кўзда тутовчи меъёрий ҳужжатлар ишлаб чиқиш ва қабул қилишни тақозо этади, деди Ислам Каримов Оксаройдаги йиғилишни очар экан.

Йиғилишда ана шундай мақсадларга қаратилган ҳужжат — Президент Фармонининг лойиҳаси қўриб чиқилди.

Юртбошимиз тайёрланган Фармон лойиҳасида биринчи навбатда қишлоқ хўжалиги тармоғи хали-ҳамон мамлакатимиз иқтисодиётида жорий этилаётган ислохотларга, бугунги ҳаёт тақозо этаёт-

ган ўзгариш ва талабларга амал қилиш йўлида энг оғир, консерватив соҳа бўлиб қолаётганлигининг туб сабаблари ўз ифодасини топиши зарурлигини айтди.

Бундай сабаблардан бири - собиқ жамоа хўжаликлари ширкат хўжаликлари айланганлиги, яъни шаклан ўзгаририлгани ҳолда, моҳияти, маъно-мазмунини ҳали ҳам эскичилигига қолаётганлигига қаратади. Бу эса ширкат хўжаликларида пайчилик асосида қўрилган том маънода янги бошқарув шакли қарор топишини, ерга мулақо янги муносабатлар жорий этилишини талаб этади.

Мамлакатимизда бозор хусусиятларига эга бозор мулк турларини сўзсиз рағбатлантириш баробарида, келгусида ижара мулки тамойилларига асосланган хўжаликлар ривожига кўпроқ аҳамият

бериш мақсадга мувофиқдир. Бугуннинг талаби деҳқон ва фермерларга том маънодаги эркинлик бериш, уларнинг фаолиятида бозор ислохотларига хос соғлом рақобатни шакллантириш, мулкка эгаллик ҳиссини муштахкамлаш, қишлоқдаги товар ишлаб чиқарувчиларни хўжалик юртишининг замонавий услубларига ўргатишдан иборат.

Ўзбекистон ўз тараққийоти фермерлик ривожига да қўради ва бу борада дунёнинг илғор мамлакатлари эришган ютуқларга таянади, деди Президентимиз. Фермер хўжаликлари сони ва қўламини ҳудудлардаги шарт-шароит, ҳар бир вилоятда мавжуд имкониятлардан келиб чиққан ҳолда белгиланган шарт.

Бунинг ўзига қўша сабаблари бор. Мисол учун, ер майдони кам, аҳолиси эса зич жойлашган Андижон вилоятидаги

қисмидаги кенг, аҳолиси нисбатан камроқ Қорақалпоғистон Республикасининг фермер хўжаликлари ривожлантириш имкониятлари, табиийлик, бири-биридан фарқ қилади.


Ўз навбатида, бу жараён кишиларимизнинг катта қисмини қишлоқ хўжалигидан озод этиб, бошқа тармоқлар, жумладан, хизмат кўрсатиш соҳасига кенг жалб этишга туртки бериши даркор. Барча жабҳаларда дунё андозаларига мослашяпмизми, демек, ривожланган мамлакатларда атиги 7-8 фоиз киши аграр соҳа билан машғул эканини ҳам ҳисобга олайлик, деди Ислам Каримов. Қачонгача аҳолининг 60 фоизи қишлоқ хўжалигида банд бўлиб қолаверадими?

Қишлоқ хўжалигида маҳсулот ишлаб чиқарувчиларнинг вазифалари ва масъулияти, ўзларига хиз-

мат кўрсатувчи, техника ва ёнилғи, транспорт ва уруғлик, маблағ, кредит каби керакли ресурслар билан таъминлайдиган ташкилотлар, қайта ишловчи корхоналар билан муносабатлари ҳам ҳуқуқий жиҳатдан янада аниқ белгилаб қўйилиши лозим. Фермерлар билан бундай корхона ва ташкилотлар ўртасида учинчи томон, яъни ширкат хўжалиги иштирокисиз, мустакил равишда тўғридан-тўғри шартномалар тузиш амалиётини қўллаш пайти аллақачон келган.

Мамлакатимиз раҳбари қишлоқ хўжалигини бошқаришнинг асосий тамойилларини аниқ белгилаб олиш ва тартибга солиш, бу тизимни ислох қилишнинг ташкилий масалаларига ҳам батафсил тўхтади.

(Давоми 2-бетда)



тувақдаги гуллар, 6,19 гектарда узиб сотиладиган гуллар ҳамда яшил майса ўсимликлари етиштирилса, 6 гектарига сабзавотлар экилади. Ишчиларимизнинг самарали ишлаб, дам олишлари учун барча шароит етарли. Илғорлар сафи тобора кўпаяётгани кишини қувонтиради. Ходимларимиздан Махфуза Хошимова, Малика Содиқова, Тоҳир Иззатуллин, Мария Овчинникова каби қатор ишчиларимизнинг самарали хизматлари корхонамиз муваффақияти гарови бўлмоқда.

Бугунги кунда хўжаликда нафақат маҳаллий шароитда ўстирилаётган, балки Голландиядан олиб келинган гул уруғлари ва бир неча хил бошқа кўчатлар ҳам етиштирилмоқда. Олиб келинган уруғ ва кўчатларнинг ривожланиши учун шароитлар етарли бўлгани боис қийинчиликларсиз ўстиришга эришилмоқда. Ўтган йилда шахримизни гуллар шахрига айлантириш учун 1 миллион 800 мингдан зиёд гул кўчатлари етказиб берган бўлсак, бу йил 3 миллион 500 минг донага етказишни мўлжаллаяпмиз.

Умумхалқ байрамимиз Наврўзни гулларсиз тасаввур этиб бўлмайди. Биз етиштираётган турфа гуллар эса байрам тантаналарига ўзгача жозоба, қалбларга сурур бағишлайди.

Албатта, қайси жойда иш яхши ташкил қилинса, шу жойда самара кўнгилдагидек бўлади. Бунини ушбу хўжалик мисолида яққол кўришимиз мумкин. Шаҳримизда ўтказиб келинаётган барча тантанали йиғилишлар, концерт дастурлари, байрамларни гуллар билан безаш ҳам хўжалик зиммасида. Айни кунларда маҳаллаларни ободонлаштириш, қўламанзорлаштириш учун кўплаб кўчатлар етказиб берилмоқда. Шаҳримиз аҳолиси ҳам яхши кунларида хўжалик томонидан тортиқ этилаётган чиройли ва хилма-хил гуллардан баҳраманд бўлишмоқда.

Роза САЙДАХМЕДОВА, «Ишонч» муҳбири.

МОҲИР ҚЎЛЛАР

Хўжабод тумани Кўтарма қишлоғидаги «Турғунбой ҳожи» ишлаб чиқариш савдо фирмаси тadbиркорлик билан иш юритаётганлиги туфайли ўз имкониятларини тобора кенгайтириб бораётди. Хусусан, йиллик даромадларнинг бир қисми сарфлашиб, фермер хўжалиги ташкил этилди.

Адирик жойдан ўн бир гектар ер ижарага олиниб, дастлабки йилда 5 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 42 центнердан пахта ҳосили олинди. Қолган 6 гектар ерга ғалла экилиб, гектаридан 37 центнердан хирмон кўтарилди.

— Фаолиятнинг кенгайтирилиши туфайли корхона ишчилари 30 нафарга кўпайди, - деди фирма ва хўжалик раҳбари Турғунбой Каримов. «Туркистон-пресс» муҳбирига. - Бундан ташқари, корхона цехида замонавий мебеллар ишлаб чиқариляпти. Бу ерда мактаб битирувчилари дурадгорлик сирларини ўрганишмоқда. Мебелсоз дурадгорлар шартнома асосида тайёрланади. Ҳар олти ойда тайёр усталар етиштириб чиқади.

Т. Каримовнинг таъкидлашicha, фирма раҳбарияти асосий эътиборни қишлоқдошларни қўлаб-қувватлашга қаратаётди. Масалан, корхона ҳисобидан 120 та хонадон газлаштирилди.

БИЛИМЛАРИНИ МУСТАҲКАМЛАШДИ

Конрад Аденауэр номидаги жағмарнинг минтақавий бўлими ва Журналистларни қайта тайёрлаш виллоятда «Ҳокимиятнинг бўлиниши, демократия шароитида сиёсий партиялар ва парламентнинг ўрни» мавзусида семинар ташкил этилди. Сиёсий партиялар, оммавий ахборот воситалари, жамоат ва ёшлар ташкилотлари вакиллари билан машғулотлар вилоят ҳокими, касаба уюшмалари кенгаши ва солиқ бошқармасида ўтказилди.

Семинар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси икки палатали парламентга ўтиши муносабати билан ташкил этилди. Тингловчилар эътиборига ҳавола этилган маърузалар ва видеофильмлар мамлакат ҳаётида сиёсий ва жамоат ташкилотлари фаолиятини ошириш, янги конституциявий тизим масалаларидаги билимларни мустаҳкамлашга қаратилди.

«Туркистон-пресс», (ЎЗА).



Қизилтепа туманидаги «Темур Малик» хисадорлик жамияти аъзолари амалга ошираётган бунёдкорлик ишлари диққатга сазовор. Қурилиш корхонаси ишчилари туманда қол-леж, қишлоқ врачлик пунктлари каби 6 та йирик ва қўрқам иншоотни ишга туширишди.

Жамоа аъзолари ўтган йилда жами 780 миллион сўмлик қурилиш ишларини бажардилар. Суратларда: илғор ишчи М.Қодиров; жамоа фаоллари режалар хусусида фикрлашмоқда. И.ҲАСАНОВ олган суратлар.



Тармоқ касаба уюшма қўмиталарида

ИШЛАЁТГАН ҚАРИЯЛАРГА УСТАМА ҲАҚ

Бозор иқтисодиёти шароитида меҳнаткашларни иқтисодий-ижтимоий ҳимоялаш қасаба уюшмалари фаолиятининг асосий йўналишларидан бири бўлиб қолмоқда. Бу борада ўтган йили республика авиация ходимлари касаба уюшма Марказий қўмитаси томонидан қандай тadbирлар амалга оширилди? Муҳбиримиз тармоқ касаба уюшмалари Марказий қўмитасининг раис муовини Абдунаби Абдувалиев билан қилган суҳбатининг мавзуси ҳам шу ҳақда бўлди.

— Ўтган йил мобайнида Марказий қўмитамизда 4 та раёсат мажлиси ва 1 та навбатдан ташқари пленум бўлиб ўтди. Уларда 100дан зиёд масалалар қўриб чиқилди. Уларнинг кўпчилиги тармоқ меҳнаткашларнинг яшаш ва иш шароитларини яхшилаш билан узвий боғлиқдир. Бу борада Андижон, Термиз, Бухоро, Нукус шаҳарларининг аэропортлари касаба уюшма ташкилотлари олиб бораётган ишлар муҳокама этилди. Шунини алоҳида таъкидлаб ўтиш керакки, меҳнаткашларнинг иш ва яшаш шароитларини яхшилашда «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси ва Марказий қўмита ўртасида имзоланган тармоқ келишув, жойлардаги жамоа шартномалари муҳим аҳамият касб этамоқда. Хусусан, ўтган йил мобайнида авиаходимлар махсус кийим-бош, шахсий химия воситалари, зарарли шароитда ишловчилар эса бепул сўт ва унга тенглаштирилган маҳсулотлар билан таъминланди. Бундан ташқари, ходимлар учун хавфсиз меҳнат шароитини яратиш, кафолат ҳамда имтиёزلарни амалга ошириш борасида янги Низомлар қабул қилинди.

Марказий қўмита бюджетдан авиаходимларга 4 миллион сўмликдан зиёд моддий ёрдам кўрсатилди. Марказий қўмита қошидаги «Бирдамлик» фондидан 64 на-

фар ходимларга даволанишлари учун 31 миллион сўм ажратилди. 2 мингдан зиёд тармоқ меҳнаткашлари ҳамда уларнинг оила аъзолари турли сихатгоҳ ҳамда дам олиш уйларида соғлиқларини тиклашлари учун 199 миллион сўм маблағ ажратилганлигининг узиёқ бу соҳага қанчалик эътибор бериб келинаётганлигини кўрсатиб турибди. Келажакимиз бўлиши фарзандларимизни соғломлаштириш доимий равишда диққат эътиборимизда. Ўтган йилги ёзги мавсумда 1869 нафар фарзандларимиз ёзги соғломлаштириш оромгоҳларида дам олди. Оролбўйида келган 371 нафар болалар эса республикамизнинг энг сўлим оромгоҳларида соғлиқларини тиклашди.

Халқимизда азалдан отахону онахонлар юксак даражада қадрланган. Бу иш илғари ҳам, ҳозир ҳам, келгусида ҳам доимий равишда амалга ошираётган ишларимизнинг энг муҳими, десам янглишмайман. Шу боис бултур тармоқимиздаги 772 нафар корхонада ишлаб, нафақага чиққан пенсионерларга раҳбарият ҳамда касаба уюшмалар томонидан 15 миллион сўмлик моддий ёрдам берилди. 4241 нафар қарияга қўшимча равишда 214 миллион сўм устама ҳақ тўланди. Тармоқимизда пенсияга чиққан бўлсалар-да, ҳануз иш жойларини тарқ этмаганлар ҳам бор. Шуларнинг 1335 нафари меҳнатда оқори кўрсаткичларга эришганликлари учун 27,5 миллион сўм миқдорда мукофот, 62 нафар пенсионер эса «Миллий авиакомпания фахрийси» нишони билан тақдирланди. Шунингдек, Қарияларни қадрлаш йилига бағишлаб авиаходимларнинг фарзандлари ўртасида спорт мусобақалари ҳамда мусика, расм кўрик-танловлари ўтказилди.

Жорий йилдаги режаларимиз ҳам улкан. Шулардан бири маҳаллалар билан ишлашни яхшилашдир.

Суҳбатдош: Н.РАФИҚОВ.

Ҳақ-ҳуқуқимизни билайлик, уни ҳимоя қила олайлик

Бундан икки йил мукаддам Ўзбекистон соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшма Андижон вилоят қўмитаси фаолиятидаги камчиликлар вилоят кенгаши раёсати йиғилишида танқид қилинган эди. Шундан кейин ходимларни ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий манфаатларини ҳимоялаш, айниқса аёллар меҳнатини тўғри ташкил этиш, иш ҳақини вақтида тўлаш, жисмоний тарбия ва спорт, маънавий-маърифий тadbирлар самарадорлигини оширишга қаратилган аниқ режалар белгиланди.

Соғлиқни сақлаш бошқармаси тасарруфида 218 та юридик мақомга эга ташкилотлар бўлиб, шундан 97 таси давлат тиббиёт муассасаси, қолганлари хусусий ва жамоа корхоналаридир. Жойларда 280 та бошланғич касаба уюшма ташкилотлари ишлаб турибди.

Ўтган давр ичида бир мунча ибратли ишлар амалга оширилди. Андижон шаҳар марказий шифохонаси, вилоят тугруқ мажмуаси бошланғич касаба уюшма ташкилотлари иш берувчилар билан ҳамкорликда жамоа шартномаларини бажариш соҳасидаги ишларни назоратга олишди. Айрим муассасаларда меҳнат аҳлига имтиёزلар бериш тўғрисидаги бандлар бажарилмаганлиги аниқлиниб, камчиликлар бартараф этилди. Халқ саломатлигини мустаҳкамлаш йўлида меҳнат қилаётган шифо-

га раҳбарлик томонидан таъйин бўлиб, вазифаларидан озод қилинган экан. Уларнинг аризаси ҳам ижобий ҳал этилди. Андижон давлат тиббиёт институти кири ювish бўлими ишчиси Жўраҳон Тўрабоевнинг 98530 сўм томон пули ундирилиб, ойнага 5493 сўмдан нафақа

Кекса авлод вакиллари алоҳида иззат-ҳурмат кўрсатилаяпти. Даволаш-профилактика муассасаларидаги 462 нафар нафақахўрга 2 миллион сўм моддий ёрдам кўрсатилди. 685 нафар қарияларга бепул дори-дармонлар ва имтиёзли йўлланмалар, 82 нафарига қўшимча таътил берилди.

Қабул қилинган қарорлар ижросини таъминлашда бошланғич касаба уюшма ташкилотларининг ўрни беқиёс. Андижон шаҳридаги марказий клиникадан Азимжон Йўлчиев, Хонобод шаҳар касалхонасидан Асадулло Юсуфов, Улуғнордан Абдуваҳоб Бозоров, Олтинқўдан Равайн Охунларнинг ташаббуси билан Шаҳрихон, Избоскан, Пахтабод, Қўрғонтепа, Хўжаобод, Балиқчи, Бўз туманларида тажрибали тиббиёт ходимларидан иборат гуруҳ юборилиб, 558 минг нафар тугруқ ёшидаги хотин-қизлар ва ўсмирлар тиббий кўрикдан ўтказилди. «Узоқ умр кечириш омиллари», «Репродуктив саломатлик», «Она сутининг аҳамияти», «Оила тиббий маданияти» мавзуларидаги суҳбатлар ва учрашувларга қишлоқ маҳаллаларининг аҳолиси кенг жалб этилди.

Вилоят руҳий касалликлар маркази катта тиббий оғаси А. Отақўжаев, Андижон туманидаги руҳий касалликлар диспансери фарроши Г. Қадриевалар-

Кимёхон НАИМОВА, Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшма Андижон вилоят қўмитаси раиси.



СЕШАНБА, 4

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 8.00-8.35 «Ахборот»...

20.30 ТТВада сериал. «Мафтункор аёл»...

ЧОРШАНБА, 5

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 8.00-8.35 «Ахборот»...

22.00 Давр. 22.40 ТВ-анонс. 22.45 «Муҳаббат қаҳваси»...

«ХАЛҚАРО» ТЕЛЕКАНАЛ

Биринчи канал 7.30-9.00 17.00 Кўрсатувлар тартиби...

«ТОШКЕНТ» ТЕЛЕКАНАЛИ

17.10 Кўрсатувлар тартиби. 17.20 ТТВада сериал: «Муҳаббат ристаси»...

ПАЙШАНБА, 6

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 8.00-8.35 «Ахборот»...

17.15 Кўрсатувлар дастури. 17.20 «Янги авлод» студияси: «Шоҳсуяна»...

«ТОШКЕНТ» ТЕЛЕКАНАЛИ

17.10 Кўрсатувлар тартиби. 17.20 ТТВада сериал: «Муҳаббат ристаси»...

«ХАЛҚАРО» ТЕЛЕКАНАЛ

Биринчи канал 7.30-9.00 17.00 Кўрсатувлар тартиби...

«ТОШКЕНТ» ТЕЛЕКАНАЛИ

17.10 Кўрсатувлар тартиби. 17.20 ТТВада сериал: «Муҳаббат ристаси»...

10.40 ТВ-анонс. 10.45 «Ит уяси». Телесериал. 11.10 Олов билан юзма-юз...

«ХАЛҚАРО» ТЕЛЕКАНАЛ

Биринчи канал 7.30-9.00 17.00 Кўрсатувлар тартиби...

«ТОШКЕНТ» ТЕЛЕКАНАЛИ

17.10 Кўрсатувлар тартиби. 17.20 ТТВада сериал: «Муҳаббат ристаси»...

«ХАЛҚАРО» ТЕЛЕКАНАЛ

Биринчи канал 7.30-9.00 17.00 Кўрсатувлар тартиби...

10.40 ТВ-анонс. 10.45 «Ит уяси». Телесериал. 11.10 Олов билан юзма-юз...

«ХАЛҚАРО» ТЕЛЕКАНАЛ

Биринчи канал 7.30-9.00 17.00 Кўрсатувлар тартиби...

«ТОШКЕНТ» ТЕЛЕКАНАЛИ

17.10 Кўрсатувлар тартиби. 17.20 ТТВада сериал: «Муҳаббат ристаси»...

«ХАЛҚАРО» ТЕЛЕКАНАЛ

Биринчи канал 7.30-9.00 17.00 Кўрсатувлар тартиби...

11.20 «Рақибингиз гротескмейстер». 11.30 «Мўъжизалар майдончаси»...

«ХАЛҚАРО» ТЕЛЕКАНАЛ

Биринчи канал 7.30-9.00 17.00 Кўрсатувлар тартиби...

«ТОШКЕНТ» ТЕЛЕКАНАЛИ

17.10 Кўрсатувлар тартиби. 17.20 ТТВада сериал: «Муҳаббат ристаси»...

«ХАЛҚАРО» ТЕЛЕКАНАЛ

Биринчи канал 7.30-9.00 17.00 Кўрсатувлар тартиби...

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ

8.55 Кўрсатувлар дастури. 9.00 Давр. 9.15 «Янги авлод» почтаси...

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ

8.55 Кўрсатувлар дастури. 9.00 Давр. 9.15 «Янги авлод» студияси...

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ

8.55 Кўрсатувлар дастури. 9.00 Давр. 9.15 «Янги авлод» студияси...

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ

8.55 Кўрсатувлар дастури. 9.00 Давр. 9.15 «Янги авлод» студияси...

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ

8.55 Кўрсатувлар дастури. 9.00 Давр. 9.15 «Янги авлод» студияси...

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ

8.55 Кўрсатувлар дастури. 9.00 Давр. 9.15 «Янги авлод» студияси...

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ

8.55 Кўрсатувлар дастури. 9.00 Давр. 9.15 «Янги авлод» студияси...

БМТ Хавфсизлик кенгашида Ироқ буйича маслаҳат бошланди. У АКШ, Испания ва Буюк Британия...

ИРОҚ «АС-САМУД»ДАН ВОЗ КЕЧДИ

сади битта - Ироқ оммавий қирғин қуролидан ҳоли бўлиши керак. Бироқ асосий саволга жавоб топиш...

Шарҳловчи минбари

сий вазифа Ироқни тинч йул билан қуролидан ташқари бошқариши...

Фафур Фулом таваллудининг 100 йиллиги олдидан

НАСРНИНГ ОЛМОС ҚИРРАЛАРИ

Унинг ҳақиқатини тугатишга ҳақ эътиборини сафарбар қилишда муҳим рол ўйнайди. Бу жангвор жанрга Фафур Фулом умрининг охиригача журавоз бўлиб келди. Афсусланарли жиҳати шундаки, бу жанр кейинчалик замона заили билан аста нурсизланиб, йўқлик дунёсига равона бўлди. Худди шунингдек, Фафур Фулом бугунги кунда оксоқликка учраган очеркчилик жанрида ҳам мактаб яратган эди. Кинобохлар ҳозир ҳам муаллифнинг «Оқжуранинг болалари», «Бу, сиз билан биз, тирик одамлар» каби очерклар тўпламини варақлаб туришадди. Шoir Сайланмаларининг 7- жилдида у яратган ўткир очеркларнинг қирққа яқини келтирилган. Шунга қараб Фафур Фуломнинг ўзбек очеркчилигида тўтган ўрнини белгилаб олиш қийин эмас. У яратган очеркларни ўқи,

ва Шайтон алайхуллаъна», «Соат», «Журабуза», «Чорборозчи», «Шоилинча телеграмма», «Фазна», «Йигит», «Тўрт хангома» каби қатор ҳикоялари катта маънавий озуқа вазифини ўтади. Ёзувчи энг аввало янги мақсад йўлида гов бўладиган иллатларга қарши боради. Унинг ўткир ҳажвий ҳикояларидан чапанлар, содда-сўтак кишилар, чорбозорчилар, суюқрөк яқинчилар, ахлоқий бузуқ одамлардан тортиб, ҳалқни алдаб-тирикчилик қилувчи юлғуч-порахўрлар, эскилик тарғиботчилари ҳам қочиб қутулполмайди. Бу ҳикояларнинг ҳар бириси ўзувчи танқид қилинажак қажрамоналари характерини қулги билан қузатиб боради. Ҳикояларнинг аксарияти юмор, қаҳқаҳа асосига қурилган асарлардир. Муаллифнинг ҳаёлиёти, юморга мойиллиги унинг қиссалари замирига ҳам яширинади. Бу асарнинг қизиқарли, жонли чиқишини таъминлайди. **Махмуд НАЗАРОВ, филология фанлари номзоди. (Давоми бор)**

Халқ оғзаки ижоди

Ўзбек халқ достончилиги узок тарихий тараққиётга эга. Ҳар бир достончи ёки достончилик гуруҳининг ўзига хос ижро йўли мавжуд. Уларнинг услуби эса бир-биридан фарқ қилади. Ижродаги бу ўзига хослик ва услубнинг бир-биридан фарқлигини шартли равишда достончилик ёки бахшичилик мактаблари деб юритилади. Ҳозирги кунда Ўзбек фольклоршунослигида Булунгур, Қўрғон, Шахрисабз, Камай, Шеробод, Хоразм достончилиги каби мактаблар бор.

ДОСТОНЧИЛИК МАКТАБИ

Энг машҳур ҳофиз даражасига кўтарилган бахшилар ўттиз-қирқта ва ҳатто ундан ҳам кўпроқ достонни ёд олганлар. Эргаш шоир, Фозил шоир, Тўлқин шоир, Ислон шоирлар ана шундай ҳофиз даражасидаги достончилардан эди. Одатда достончилик кечалари кен қуздан эрта баҳоргача уюштирилган. Достонни қуйлаш жуда ҳам қизиқarli бўлиб, авж пардаларига етганда, бахшининг гавда ҳаракатлари, бошини сараксарақ қилиши, дўмбиранинг бир мувозанатда бориб келиши куй ва сўзга қўшилиб яқин бир ҳолатни юзага келтиради. Бундай пайтларда тўрдаги бахши пойгакка, томошбин эса тўрға чиқиб қолганини ҳеч ким пайқамай қолади. Шу тариқа кўр ташлаб ўтирганлар даврани бир неча марта айланиб чиқишлари мумкин. Шунингдек, достонни қуйлаш жуда қизиқarli ўринга, авж пардаларга етганда, ярим тунда дам олиш учун танафус эълон қилинади. Бунга бахшилар «Дўмбира тўнтармоқ» деб айтиладилар. Шунга алоҳида айтиш мумкинки, бахшига бериладиган ҳаёо олдиндан келишилмаган, балки мезбон кўнглидан чиқариб, нима берса шунга рози бўлишган. Негаки

ҳақиқий халқ бахшилари ҳеч маҳал ўз санъатларига даромад манбаи сифатида қарамаганлар. Махсус достончилик кечаларидан ташқари тўй-ҳашамларда, оила тантаналарида, байрамларда бахшиларнинг иштирок этиши одатий ҳол бўлган. XX аср бошларидан бошлаб шаҳарларда бахшилар хизматидан фойдаланиш йўқолиб, уларнинг ўрнини ҳофизлар ва ашулчилар эгаллаган. Қишлоқ жойларда эса достончиликнинг қадимий анъаналари ҳозирда ҳам, гарчи анча кам бўлса-да, давом этмоқда. Юқорида тилга олиб ўтилган достончилик мактаби бахшилари бир-бирлари билан қадимдан яхши алоқада бўлганлар. Шунинг учунми Сурхондарё, Қашқадарё, Жанубий Тожикистон (Хоразм достончилик мактабидан ташқари) барча достончилар ижроси бир-бирига ўхшайди. Зеро, Хоразм достончилик мактаби ва бахшиларнинг ижрочилиги услуби тубдан фарқ қилади. Уларда кўпроқ мусика етакчилиги қилади. Сурхон бахшичилигида бахшилар дўмбира, айрим жойларда қўбиз билан қуйсалар, Хоразм бахшилари асосан дуторда ижро этидилар. Хоразм достончилигида достонни устоз дуторда бошлайди, қолганлари унга

ғижжак ва баломонда жўр бўладилар. Ижро этиладиган достон у ёки бу ҳудудда яшовчи халқнинг руҳияти ва маънавиятига хос бўлган. Шу бос «Ал-помиш» достони Хоразм бахшилари ижода деярли учирамайди. Шунингдек, Хоразм бахшичилигида гармонда достон ижро этиш услуби ҳам борки, бундай ижрочилар «соъчи» деб аталган. Қурбон соъчи, Қодир соъчи каби соъчилар шулар жумласидандир. Хоразмда термаларни қуйловчи яна бир гуруҳ бўлиб, бу аёллар иштирокдаги халқоролди. Улар халқ достонларини, тўй қўшқларини, лапар ва ялларларни ўзлари яратган ёки бошқа ижодкорлар асарларини гармон ва доира журтигида қуйлайдилар. Яқка халфалар эса достон ва қўшқларни соъсиз ижро этидилар. Шунингдек, улар «Ошиқ Ғариб ва Шохсанам», «Асирхон», «Хурлиқ ва Хамро», «Қиссаи Зебо», «Бозирган», «Хирмондали», «Тулумбий», каби бир қатор достонларини, Махтумқули шеърларини, турли маросим қўшқларини ижро этидилар. Халфачилик аёллар ижросидаги санъат тури сифатида Хоразм воҳсида ҳамон давом этиб келмоқда. Ҳа, замоналар ўтади, давр ўзгаради. Эскилик ўрнини янгилик эгаллаб боради. Шундай бўлса-да, халқимизнинг ўзига хос санъати ва маънавияти рамзи сифатида халқ достончилиги, бахшичилик, халфачилик асарлар оша барҳаёт яшабверади. **Р. РУСТАМОВА.**



Маҳалла – ҳаётимиз кўзгуси, ўзаро ҳурмат, меҳр-оқибат, ҳамжихатликни шакллантиришнинг муҳим воситаси, тарбиянинг бебаҳо масканидир. Халқимизда «Отан-маҳалла, онанг-маҳалла» деган нақл беҳиз айтилмаган.

Жиззахда айни пайтда 120 та маҳалла ва қишлоқ фуқаролар йиғинлари фаолият кўрсатмоқда. 1997 йилдан бошлаб маҳалла гузарлари қуришга киришилди. Ҳозирги кунда 36 та замонавий гузар мавжуд бўлиб, уларда маданий-маиший, савдо хизмати кўрсатишнинг ўнлаб турлари бор. Айни чоқда яна 6 та гузар қурилиши давом этмоқда.

ҲАЁТ КАБИ ЖЎШҚИН, ЖОЗИБАДОР

каби ишларни амалга оширишда маҳалла ва қишлоқ фуқаролар йиғинларига яқиндан кўмак бермоқдалар. «Маҳалла» жамғармасининг бўлим ва бўлимчалари давлат ва нодавлат ташкилотлар билан ҳамкорликда ишлашга алоҳида эътиборни қаратиб келмоқда. Ҳамкорлик тўғрисидаги Жиззах шаҳридаги «Олмазор», Навоий, Абдуҷабборов, «Маданият», Жиззахлик, Пахтакор туманидаги «Тошкент», Бахмал туманидаги «Дўстлик», Галлаорол туманидаги Ф.Фулом, Форш туманидаги «Ўзбекистон», Зафаробод туманидаги «Зарафшон», Жиззах туманидаги «Қулама» маҳаллаларида ибратли ишлар амалга оширилган. Дарвоқе, республика миқёсида ўтказиладиган тadbирларда вилоятимиз маҳаллалари ҳам фаол қатнашмоқдалар. «Энг обод

2003 йил – Обод маҳалла йили

маҳалла» кўрик-танловида Жиззах шаҳридаги Ҳ.Абдуҷаббаров номи маҳалла, «Энг фаол маҳалла оксоқоли» кўрик танловида А.Навоий номи маҳалла фуқаролар йиғини раиси Ф.Бобомуродов, «Энг ибратли маҳалла оксоқоли» кўрик-танловида етказиш, ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиш мақсадида маҳалла ва қишлоқ фуқаролар йиғинлари фаоллари ва оксоқоллари «Хар бир маҳаллада бир спорт жамғуи» ташаббуси билан чиқдилар. Ҳомийлар кўмагида маҳаллалар

етказиш, ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиш мақсадида маҳалла ва қишлоқ фуқаролар йиғинлари фаоллари ва оксоқоллари «Хар бир маҳаллада бир спорт жамғуи» ташаббуси билан чиқдилар. Ҳомийлар кўмагида маҳаллалар

Жамғарманинг вилоят бўлими 2002 йилда 75 миллион сўм даромад қилишга муваффақ бўлди. Шунинг учун ҳам хайрия тadbирларига алоҳида эътибор қаратиб, меҳрмуруватга ташна ёлғизлар, бева-бечоралар, кам таъминланган кўп болали оилаларга моддий ёрдам кўрсатилмоқда. Ана шундай тadbирлар учун 3 миллион сўмлик маблағ ажратилди. Энг қувончлиси шуки, Жиззах шаҳрининг энг баҳаво масканида «Маҳалла ва ёшлар» маркази қурилиб, фойдаланишга топширилди. Бу эса фуқаролар учун катта қулайликлар яратди. Бу ерда «Маҳалла» жамғармаси вилоят бўлими ҳамда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг вилоят Кенгаши жойлашган. Шунингдек, 350 ўринга мўлжалланган тўй-маросимларни ўтказиш маскани бор. Арзон-қулай, бюортмачи учун барча имкониятлар мавжуд бўлган марказда ўтказиладиган тadbирлар эвазига ҳам даромад олинмоқда. Обод маҳалла нафақат чиройли маскан, балки ахиллик ҳужумрон дегани ҳамдир. **Муқим ҲАСАНОВ, Оксоқоллар Кенгаши «Маҳалла» хайрия жамғармаси Жиззах вилоят бўлими раиси.**

16 ЎҚУВЧИ - УНИВЕРСИТЕТ ТАЛАБАСИ

Ҳазорасп туманида «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»ни бажаришда ибратли ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан ўтган йили 478 нафар ўқитувчи касбий маҳоратини ошириш учун малака оширди, 198 нафар ўқитувчи эса дастурга киритилган янги фанлар бўлимига катта тайёргарликдан ўтказилди. Таълим ходимларини сифат жиҳатдан яхшилашда туманда ҳар йили мунтазам ўтказиб келинаётган кўрик-танловлар катта самара бераётди. Жумладан «Йил ўқитувчиси» вилоят танловида 25-мактаб ўқитувчиси М. Султонова, «Йил тарбиячиси» кўрик-танловида 10-босча тарбиячиси А. Нуриллаевлар фахрли ўринларни эгалладилар. Иқтидорли болалар ўртасида ўтказиладиган фан олимпиадаларида туман ўқитувчиларининг салмоғи тўбора ортиб бормоқда. Масалан, иқтидорли болалар Республика слётида 25-мактаб ўқувчиси Уктам Қуръазов совринли ўринни эгаллади. 6 нафар мактаб ўқувчилари янги йилда республика фан олимпиадасига қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритишди. Қобилиятли болаларни танлаш ва тарбиялашда тумандаги 1- иқтидорли болалар лицейининг роли айниқса катта бўлмоқда. Лицей ўқувчиларидан 16 нафарининг сиртки телевизион олимпиадада фаол иштироки учун Мирзо Улугбек номидаги Миллий университет сиртки талабалигига қабул қилинганлигининг ўзидек бунинг яққол далилидир. **С. ЯЛҒАШЕВ.**



Икром ҲАСАНОВ олган суратлар.



Икром ҲАСАНОВ олган суратлар.

Наврўз тантаналарини куй-қўшиқсиз, дилрабо рақсларсиз тасаввур этиб бўлмайди. Айни кунда эса Халқлар дўстлиги саройида вилоятлардан ташриф буюрган соҳанда ва хонандалар иштирокида Наврўз тантаналарига бағишланган концерт программаларига тайёргарлик кўрилмоқда. Санъаткорларнинг мақсади бу йилги байрамни янада жозибали ва чиройли ўтказишда ўз ҳиссаларини қўшишдир. **Икром ҲАСАНОВ олган суратлар.**

Тахрир ҳайъати: Эркин Воҳидов, Сайёра Рашидова, Жория Алимҳўжаева, Маъмура Одилова, Сафар Остонов, Махмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), Мирзохид Содиков, Шамсиддин Эсонбоев, Қудратилла Рафиқов, Мирфозил Олимов. **Телефонлар:** Котибият 56-52-78; Хатлар, реклама ва эълонлар бўлими 56-85-43. Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган. Босишга топшириш вақти - 21.00. Топширилди - 23.00.

Хабарлар оқимидан

ЭКСПОНАТЛАРГА БОЙ МУЗЕЙ

Маълумки, об-ҳаво ҳақидаги хабар, одатда республика гидро-метеорология станциясининг маълумотларига кўра деган ибора билан бошланади. Ана шу станция 1867 йилдан эътиборан Ўрта Осиёда мунтазам равишда об-ҳаво ва иқлимни қузатиш жараёнлари билан шуғулланиб келмоқда. Эндиликда «Бошгидромет» деб юритилаётган бу йирик марказ негизда Ўзбекистонда гидрометеорология хизмати тарихи музейи очилган эди. Мана шунга ҳам ўн йилдан ошди. Бу борада музей экспозициялари кўпга янги экспонатлар ҳисобига бойиди. Улар марказ фаолиятининг кўп қирралли йўналишларига доир янгиликлар ҳақида ҳикоя қилади. Бу ерда чет эллик йирик мутахассисларнинг Ўрта Осиё об-ҳавосини қузатиш борасида айтган фикрлари ҳам ўз ифодасини топган. Марказнинг ЮНЕСКО, ЮНЕП каби халқаро ташкилотлар дастурларини амалга ошириш, Германия, Франция, Туркия каби мамлакатлар билан илмий-техникавий ҳамкорлик самаралари экспонатлар орқали баён қилинган. Ўзбекистон гидрометеорология тарихи музейининг бу санаси муносабати билан томошабинлар эътиборига янги кўргазма ҳам ҳавола этилади. **Ақбар АЛИЕВ.**

МАРҲАМАТЛИКЛАР БИРИНЧИ

Яқинда Андижон шаҳрида вилоятдаги 19та туман ва шаҳарлар мактаб, лицей ва гимназия ўқувчиларининг билим даражасини белгиловчи асосий омил-фанлар олимпиадаси бўлиб ўтди. Бу беллашувда Марҳамат туман ўқувчилари ҳар йилгидек фаол қатнашиб, қувончли натижаларни кўлга киритдилар. Ўн биринчи синф ўқувчиларидан 4 нафари галиб деб топилди, республика фанлар олимпиадасига йўлланма олди. Жумладан, информатика (ЭХМ) фанидан Мирзо Улугбек номи 3-лицейнинг 11-синф ўқувчиси Тоҳиржон Бойбуваев (ўқитувчиси Маҳаммадхон Исоқов), немис тили фанидан Фафур Фулом номи 31-урта мактабининг 11-синф ўқувчиси Азизахон Жалолова (ўқитувчиси Мўминжон Каримов), тарих фанидан Саъди Сирожидинов номи 31-лицейнинг 11-синф ўқувчиси Султонбек Исоқов (ўқитувчиси Маҳаммадхон Исоқов), физика фанидан Мирзо Улугбек номи 3-лицейнинг 11-синф ўқувчиси Шерали Маматкаримов (ўқитувчиси Гулсароҳон Сулаймонова) республика фанлар олимпиадасига астойдил тайёргарлик кўраётдилар. **Абдурашул ЭРАЛИЕВ, меҳнат фахрийси.**

ТОШКЕНТДА КУРАШ БАЙРАМИ

«Ўзбекистон» спорт-соғломлаштириш жамғуида эркин ва юнон-рум кураши бўйича «Мустақиллик кубоғи» гран-при мусобақаларига старт берилди. Бахсларда Россия, Арманистон, АҚШ, Болгария, Қозоғистон каби дунёнинг 20 дан ортиқ мамлакатидан полвонлар иштирок этмоқда. Мусобақаларнинг очилиш маросими катта тантананага айланиб кетди. Қарий икки соат давом этган тadbирда фольклор ва рақс дасталари, санъат усталари ўз чиқишлари билан йиғилганларга хуш кайфият улашди. Шундан сўнг, Сидней олимпиадасининг кумуш медали соҳиби Артур Таймазовга «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган спортчи» унвони тантанали равишда топширилди. Биринчи кун бахсларда ҳамюртларимиздан Б. Курбанов, А. Чеглаков, О. Эрматов, А. Худойбердиевлар кейинги босқичга йўл олдилар. Мусобақалар бугун ўз ниҳоясига етди. **А. ЮНУСОВ.**



Икром ҲАСАНОВ олган суратлар.

ISHONCH МУАССИС: Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси Бош муҳаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ